

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАВОИЙ ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС,  
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ  
НАВОИЙ КОНЧИЛИК КОЛЛЕЖИ



(1441-1501)

**АЛИШЕР НАВОИЙ**

ТАВАЛЛУДИНИНГ 574 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

«АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ  
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ»

МАВЗУСИДАГИ VI АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

НАВОИЙ – 2015

## Алишер Навоий асарларида Хизр образи

**Марданов Ўктамжон Рустамович**  
**Турсунов Мадамин Зарипович**  
**НДКИ хузуридаги 2-сонли**  
**академик лицейи ўқитувчилари**

Бадиий адабиётда шоир ва ёзувчилар ўз асарларидаги мазмун ва ифодани батафсил ёритиб бериш мақсадида турли хил бадиий тасвир воситаларидан фойдаланади. Шундай воситалардан бири телмеҳ санъатидир. Навоий ижоди ҳам ана шундай бадиий тасвирий воситаларга бойдир. Навоий ижодида “Хизр суйи”, “зилоли Хизр”, “бўстон Хизри”, “ей Хизр”, “Хизр”, “Хизр монанд” каби тушунчалар асосида телмеҳ санъатининг гўзал наъмунасини кўрамыз.

Мактаб дарсликларида “Хизр” образини чўл пири ҳамда ҳосилдорлик хомийси сифатида келтирилганлигини учратамыз. Шоир ижоди серқирра. Унда Хизр образи турли хил хусусиятларда акс эттирилган. Халқ орасида бу образ билан боғлиқ турли хил ривоятлар сақланиб қолган. Хизр бобони кўпроқ илм кишилари ҳаётида унраганликлари ҳақида ривоятлар сақланиб қолган. Бунинг мисолни ўзбек халқ оғзаки ижодининг намоёндаларидан бири, бахши шоир Муҳаммадкул Жомурод ўғли Пўлканга дуч келганлигида кўрамыз.

Машхур бахшининг фарзанди, мархум Умаркул Пўлканнинг ҳикоя қилишича, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманига қаршли “Қатоғон” деб аталмиш қишлоқда ўсиб келаётган Муҳаммадкул барча қишлоқ болалари каби, қўйларини яйловда ўтлатиб юриб, бир нуроний отахонга дуч келиб қолади. Отахон тўққиз ёшли Муҳаммадкулдан аввал қаердан эканлигини, сўнг кимнинг фарзанди бўлишини суриштиради. Чўпон бола у кишига шу тоғ яқинидаги “Қатоғон” деб аталмиш қишлоқдан, Мулла Жомурод бобонинг жигарбанди эканлигини айтади. Шунда ҳалиги нуроний чол, жуда ҳориб келаётганини, қорни оч эканлигини айтиб, ундан сув ва нон беришини сўрайди. Ёш Муҳаммадкул отахонга ёнида онаси ўраб берган қотган нон ва кичик мўндичасидаги сувни узатади.

Нон эб, сув билан чанқоғини қондирган отахон Муҳаммадкулга раҳмат айтиб дуога қўл очади ва ундан “Болам, тила тилагингни, манглайингга берайинми, танглайингами?” дея сўрайди. Муҳаммадкул жуда ёш бўлганлиги

сабабли нима дейишини билмасдан, бирор ширинроқ нарса тақдим қилса керак деб ўйлаб, “Танглайимга беринг!” дея жавоб қайтаради.

Шунда ҳалиги отахон “Болам, кўзингни юмда, оғзингни оч!” дейди ва Муҳаммадқулнинг оғзига уч маротаба туфлайди. Муҳаммадқул кўзини очиб қараса ҳалиги нуроний чолдан дарак йўқ, ёнида эса бир дўмбира турибди. У дўмбирани чалиб, ўзи билганча термаларни хиргойи қилиб айтиб ётганмиш. Кейин маълум бўлишича, Пўлкан шоирга Ҳазрати Хизр йўлиққан эканлар

А.Навоий асарларида ҳам “Хизр суви” деган тушунча жуда кўп ўринларда учрайди. Ривоятларга кўра “Хизр суви” абадийлик суви бўлиб, уни истеъмол қилган киши ҳеч қачон чанқаш нималигини билмас экан. Хусусан, Навоийнинг қуйидаги сатрларини ўқиймиз:

Жоми Жам бирла **Хизр суйи** насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.<sup>1</sup>

Навоий “Хизр суви” ўрнида “зилоли Хизр” атамасини ҳам бир қанча ўринларда ишлатган. Бундай жумлаларни ишлатиш асосида бадиий адабиётда талмеҳ санъатини ҳосил қилган ҳамда халқ ривоятларида сақланиб қолган ҳикояларга ишора қилган.:

Туттум ўлмакдин тирилмак ҳажрида тенгдур манга,  
Емди гар бергил **зилоли Хизр**, агар жаллод бўл.

Ҳосилдорлик пири сифатида мактаб дарсликларида Хизр образи келтирилганлигини юқорида таъкидлаган эдик. Навоий ижодида бундай хусусият “бўстон Хизри” тарзида келтирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Умри жовид истасанг фард ўлки, **бўстон Хизридур**

— Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Улуғ аллома шайх Фаридиддин Аттор ҳазратлари ўзларининг “Тазкират ул Авлиё” асарларида Хўжаи Хизр мададига сазовор бўлган улуғ инсонлар ҳақида кўплаб маълумотларни келтирган. Улардан бири Шайх Абу Бакр Абу Вароқ Термизий ҳазратларидир. Айтишларича, Ҳазрати Шайх Абу Бакр Абу Вароқ Термизий ҳазратларидир. Айтишларича, Ҳазрати Шайх Абу Бакр Абу Вароқ муомиласи ва адаб бобида ўхшаши йўқ киши бўлганлар. Ҳаттоки, у кишини “Муаддаб ул авлиё” яъни авлиёлар адаблиси деб атар эканлар. Нақл қилишларича, Хизр пайғамбар алайҳиссаломни кўрмоқ орзуси, у кишининг

<sup>1</sup> А. Навоий. Фаройиб ус-сиғар. Т.: 1959-у. 74-бет

кўнглига тушибди. Ҳар тонгда Қуръон ўқир ва қабристонга борар, у эрда тазарру ва илтижо этар эканлар. Бир куни уйларидадан чикқанларида бир нуруний пир келиб, у кишига салом берибдилар.

Бугун бирга суҳбат қилмоқчилигимизни истармисан? Дебдилар

Истайман, дебди у киши.

Иккиси суҳбатлашиб қабристонга борибдилар, кўп сўзлар сўзлашибдилар. Пир кетмоқчи бўлибдилар.

Ё, Абу Бакр! Бугун сени бир пора Қуръон ўқимокдан кўйдик. Мен ўша орзу қилганинг Хизрман. Бир соат ҳақ билан суҳбат қилмоқ, минг йил Хизр билан ўтиргандан яхшидир. Пир ушбу сўзларни айтиб ғойиб бўлибдилар.

Алишер Навоий асарларида Хизрга мурожаат ёки жой номлари Хизр монанд сифатида таърифлаганлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан, “Сабъайи сайёр” достонида Шаҳрисабз билан боғлиқ учинчи ҳикояда қуйидаги мисраларни келтиради:

**Хизр монанд сабзадин ранги,  
Сабзаси, суви кўзгуси занги<sup>2</sup>**

Шаҳрисабзнинг гўзаллиги, унионг табиати қанчалар мафтункор эканлигини ушбу сатрларда Хизр образи асосида ёритилганлигига гувоҳ бўламиз. Яна бир ўринда Навоий Хизрга мурожаат қилиб шундай дейди:

Истарам, эй **Хизр**, келгаймен қилиб жон бирла тавф,

Каъбайи кўйин хабар топқунча борғонимдин эл.

Хамсанинг сўнги достони бўлмиш “Садди Искандарий ” достонининг “Искандар ишларининг тафсилини ижмол билан дейилмак ва ул ижмолнинг мужмалотин тафсил қилмоқ ва Доронинг расули анга олгун байза тилай келиб, пўлод найзадек итик сўзлар жавоб топиб бормоқ ва ул синон ламъасининг барқи анинг хирмани сабриға ўт солмоқ ва кунжуд била гўй ва чавгон йибормаги ва Искандар ул чавгон била гўй уруб кунжудни кушлар термаги” бобида Навоий қуйидаги мисраларни келтиради:

**Куруқлуқ аро Хизр ўлиб раҳбари,**

**Тенгиз ичра Илёс эди ёвари<sup>3</sup>**

<sup>2</sup> А. Навоий. Сабъайи сайёр. Т.: 1960-у. 106-бет

<sup>3</sup> А. Навоий. Садди Искандарий. Т.: 1960-у. 78-бет

Навойй ижодини ўрганиш уни талқин қилиш, ҳар бир сатридаги тушунчаларни ўрганиб боориш ҳамда келажак авлодга етказиб беришда ҳар бир образга қолаверса ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бермоқ лозм. Зеро, навоййни ўрганиш ўзи бир катта бахт.

ИДҚИ ҳузуридаги 2-сонли академик лицей мақола